

Ўзининг қалдирғоч шеърлар китоби— «Иқрор»
тўплами билон сиз, азиз китобхонларга таниш
бўлган андижонлик ижодкор Шаробиддин
Ҳасановнинг касби—ўқитувчилик. Ушеъриятни
ўзига қисмат деб билади. Шу боисдан ҳам унинг
шеърларида дунёвий ҳис-туйғулар барҳ уриб ту
ради. Таҳдир, муҳаббат, вафо, садоқат мавзулари «
Оқлибосга ўралган тилак» шеърлар тўпламининг
асосий мазмунини ташкил этади.

Масъул муҳаррир Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон халқшоири.

Дунёда олижаноб, саховатли инсонлар кўп. Мендек
хаваскор ўқитувчи-шоирни қўллаб-қувватлаб,
шеърларимнинг китоб ҳолида чоп этилишида беминнат
ёрдамини аямаганлиги учун Андижон туман ҳокими,
Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси депутати
Ҳасан Ҳакимовдан миннатдорман.

„ 47 02620202 „ _ „ftft_
Х. ----- қатъий буюртма - 2002
356(04)-2002

ISBN 5-633-01346-8

С Ш. Ҳасанов. «Оқ либосга ўралган тилак». «Янги аср авлоди», 2002

БЕҒУБОР ТУЙҒУЛАР

Муаллиф

«Оқ либосга ўралган тилак...»
Шаробиддиннинг барча шеърларига ўзининг
она иу лисраси сарлавуа бўла олади.

У ўзининг оппоқ, нафис, безубор тилаклари
билан оламга уйгоқ нигоҳ таишлайди. Нажот
фқат эззуликда, меҳрда, муҳаббатда деб
ўйлайди.

«Юксалар маъсадлар тоғ каби» деб баралла
қуйлагиси, ёниб шеър ёзгиси, боицаларни ҳам
ёндириб яшагиси келаетган ижодкор Ша-
робиддин Ҳасановнинг тишлакларига чин дил-
дан қўишлиб қоламиз.

МУҲАББАТ ОТАМИРЗАЕВА,
«Андижоннома» газетаси
адабиёт ва санъат бўлими
мудири, Ўзбекистан
журналистлар уюимаси аъзоси.

Юлдуздан ҳам кўтаргум кўкка, Кутлуғ
номинг то борман — ҳаёт.

ШЕЪР — ФАРЗАНД

Юрак ёнар лов-лов,
Бошланади ширин бир кийноқ. Сўнг
қоғозга тўкила бошлар, Юрагингни
ўртаган фироқ.

Энтикасан, оҳ!
Юзларингдан қуйилади тер.
Муродингни чин ҳосил қилиб,
Туғилади азиз фарзанд — шеър.
Оққа ўраб хўб,
Пок ният-ла элга тутасан,
Эзгу умид боғлаб дилингга,
Яна янги фарзанд кутасан.

БОҒЛАРНИ КЕЗАМАН

Юрагим созимга айланди,
Тилларим жўр бўлар ёнимда.
Ҳисларим денгиздай гупуриб,
Тўлқинлаб оқар қонимда.

Боғларни кезаман ялангтўш,
Ишқ ўти танамни қуйдирар.
Кўзларим илк бора кўрган юрт,
Бағрида эркалаб, кулдирар.

Армоннинг иплари узилди,
Тўлин Ой бағрида йўлларим.
Енгларин шимариб киришди,
Хизматга астойдил қўлларим.

КУРАШ

Туннинг пардасини йиртиб субҳидам,
Кўк юзига балқиб чиқади қуёш.

Кўз очиб ғафлатдан жамики олам,
Тириклик ғамида кўтаради бош.

Қурт ҳам, қумурсқа ҳам олмайди тиним.
Денгиз тубида ҳам қайнайди ҳаёт.
Фирибгар қўллайди айёрлик сирин,
Домига тушганлар чекади фарёд.

ОНА-ВАТАНИМ

Беназирсан, Она-Ватаним,
Муқадассан бу олам аро.
Борлиғингни гулларга буркай,
Вужудингга берайин оро.

Шаънингга кўп битилган ашъор,
Шоирларинг қайнар булоқдай.
Ёғдуларинг энди тунимни,
Ёритмоқца мисоли Ойдай.

Чақалокдай бағрингни кучиб,
Қушдай енгил сезаман ўзни.
Бир чашмага айланди юрак,
Очаяпман қувониб кўзни.

Меҳринг жўшиб кетди дилимда,
Ҳисларимдан боғладим қанот.

ОНА-ВАТАНИМ

Беназирсан, Она-Ватаним,
Мукаддассан бу олам аро.
Борлиғингни гулларга буркай,
Вужудингга берайин оро.

Шаънингта кўп битилган ашъор,
Шоирларинг қайнар булоқдай.
Ёғдуларинг энди тунимни,
Ёритмоқда мисоли Ойдай.

Чакалоқдай бағрингни кучиб,
Қушдай енгил сезаман ўзни.
Бир чашмага айланди юрак,
Очаяпман кувониб кўзни.

Мехринг жўшиб кетди дилимда,
Ҳисларимдан боғладим қанот
Юлдуздан ҳам кўтаргум кўкка,
Қутлуғ номинг то борман — ҳаёт.

ШЕЪР — ФАРЗАНД

Юрак ёнар лов-лов,
Бошланади ширин бир қийноқ.
Сўнг қоғозга тўкила бошлар,
Юрагингни ўртаган фироқ.

Энтикасан, оҳ!
Юзларингдан қуйилади тер.
Муродингни чин ҳосил қилиб,
Туғилади азиз фарзанд — шеър.

Оққа ўраб хўб,
Пок ният-ла элга тутасан,
Эзгу умид боғлаб дилингга,
Яна янги фарзанд кутасан.

БОҒЛАРНИ КЕЗАМАН

Юрагим созимга айланди,
Тилларим жўр бўлар ёнимда.
Ҳисларим денгаздай гупуриб,
Тўлқинлаб оқар қонимда.

Боғларни кезаман ялангтўш,
Ишқ ўти танамни куйдирар.
Кўзларим илк бора кўрган юрт,
Бағрида эркалаб, кулдирар.

Армоннинг иплари узилди,
Тўлин Ой бағрида йўлларим.
Енгларин шимариб киришди,
Хизматга астойдил қўлларим.

КУРАШ

Туннинг пардасини йиртиб субҳидам
Кўк юзига балқиб чиқади қуёш.
Кўз очиб ғафлатдан жамики олам,
Тириклик ғамида кўтаради бош.

Қурт ҳам, кумурсқа ҳам олмайди тиним.
Денгиз тубида ҳам қайнайди ҳаёт.
Фирибгар қўллайди айёрлик сирин,

Домига тушганлар чекади фарёд.

Пешона теридан ризқини ювиб,
Кимдир бурда нонин типшайди сокин.
Кимдир нафс кетидан ҳаллослаб қувиб,
Пайқамай қолади сочдаги оқин.

Ризқнинг эшигини қидириб биров,

Кун бўйи кезади дарбадар саркаш.

Ҳаёт чархпалаги тинмайди бирров ,
Тинмайди бир нафас майдонда кураш.

ҲАВАС

Ҳавас килдим тоғларга қараб,
Кўкрагини баланд тутган деб.
Ҳавас қиддим тунда осмонга,
Ой, юлдуздан такқан дея зеб.

Оппоқ тиниқ чашмадан қониб,

Поклигига ҳавасим келди.

Тонг насими ҳавасим олиб,

Гулзорларда, боғларда елди.

Гўзалликни кўрганда ҳавас,

Ҳам ҳайратда туриб қолдим жим.

Сўраб қолдим ўзимдан бехос,

Ҳавас килар свнга ўзи ким?

Сукут бўлди фақат жавобим,

Лек дилимда эзгулик мақсад.

Менга ҳавас қилмасин майли,

Қўрқаман гар бопшанса ҳасад.

ШОИРЛАР БЎЛМАСА

Шеъримни санаманг, азиз биродар,
Санокда барака ўчиб кетади,
Дуч келган даврада ўқиманг уни,
Ҳасадгүй ошналар чўчиб кетади.

«Шоирлар олифта, беғамлар»-деманг,
Ташвишдан елкаси чўкиб кетади.

Уларнинг дардлари тоғларга тушса,
Вулқонлар дош бермай кўчиб кетади.

Шоирнинг ҳуши ҳеч ўзида бўлмас,
Ўзгалар ўйини қучиб кетади.
Адолат боғига ўт тушса ногоҳ.,
Уйқуда бўлса-да, чўчиб кетади.

Чин шоир бўлмоқни айладим ҳавас,
Пок дилдан қайғулар учиб кетади.
Дунёда шоирлар бўлмаса агар,
Ёмонлик болалаб, урчиб кетади.

ГЎЗАЛЛИГИН ЯШИРСАНГ...

Қайтиб келсанг бир кун яна,
Гиёҳ бўлиб оламга.
Шифо бўлсанг юраклару,
Дардга тўлган одамга.

МАНЗИЛИМ ПОРЛОҚ

Кўзларимга инмайди уйқу,
Ҳисларимдан энтикар юрак.
Олисларда чорлайди тинмай,
Оқ либосга ўралган тилак.

Кундуз қуёш силар бошимни,
Тўлин Ойга ҳамроҳман тунда.
Чашмаларга чин сирдош бўлиб,
Довонлардан ошаман кунда.

Манзил йироқ, манзилим порлоқ,
Шуълаларга чўмилган йўлим.
Эзгуликнинг йўлидан юрсам,
Юлдузларга етади қўлим.

БАРОКАТ ЁҒИЛСА

Қуш бўлсам. Тоғларни айласам макон,
Оппоқ булут ичра ёзсам қанотим.
Зилол чашмалардан қониқиб ичсам,
Эзгулик **қуши** деб аташса отим.

Ёвуз нигоҳлардан бўлсам йироқда, Энг
тиник. булоқни айласам сирдош.
Барокат ёғилса қанотларимдан, Тунлари
Ойга ҳам бўлсайдим йўлдош.

8

Бесамар бўлмаса асло парвозим,
Чўқдиларга к[^]нсам эзгулик кўзлаб.
Ғанимлар ёнида тик бўлса бошим,
Мунғайиб турмасам бе[^]олдек бўзлаб.

Олий мақсадларда қоқаман қанот,
Манзилу мавойим эзгулик боғи.
Танграмдан тилайман тўсмасин фақат,
Нурли йўлларимни хусумат тоғи.

ЭЛИМНИНГ КОРИ ДЕБ...

Қулочимни ёзиб қзгшлардай,
Ҳайкиргим келади гоҳида: «Одамлар,
Сизларни севаман».

Аламлар тугулиб муштлардай,
Бақиргим келади гоҳида: «Одамлар,
Сизлардан безаман».

Дардинг бўлса дард дегулик,
Эл ғамини ўйлаган.
Дардкашинг ҳам ҳамдард бўлса,
Дилингдагин сўйлаган.

Кўзларингга бор дунёнинг,
Гўзаллигин яширсанг.
Кунда минг бор савоб килиб,
Кунда минг бор ёшарсан.

Томирингда оқса фақат,
Эзгуликнинг уммони.
Қучоғингда асраб юрсанг,
Ватан деган дунёни.

Ҳаётим кечмасин тушлардай,
Ҳайқириб, чакириб ҳамиша, Элимнинг
кори деб кезаман.

илтижо

Имонли одамлар гапирса ёлғон,
Виждонни нафс учун қилсалар қурбон,
Муллолар обрў деб ўқиса Қуръон,
Кўзимни кўр қилиб қўймагин,
Танграм.

Покиза юзлардан юлинса ҳаё,
Кўрганим, тутганим гар бўлса рўё,

9

Йўллардан бирини танлаганда ё,
Кўзимни кўр қилиб қўймагин,
Танграм.

Савобни миннатга ўраб берсалар,
Адоват тошини ганж деб терсалар, Бу
дунё ўткинчи, ёлғон десалар, Кўзимни
кўр қилиб қўймагин, Танграм.

Ғафлатда ғов босиб қолмасин ақлим,
Экканин ўрар дер хикматли нақлим,
Нотавон болам, деб қуймасин халким,
Кўзимни кўр қилиб қўймагин,
Танграм.

ЧАҚАЛОҚҚА АЙЛАНАЙ...

Тоғлар улкан, тоғлар улуғвор, Уларга
кўп [^]авасим келар. Ўзларини ҳеч
қилмайди хор, Келса ҳамки бошига
нелар.

Бесабрлик тоққа ёр эмас, Бардошининг
йўқдир адоси. Бошидаги асли кор эмас,
Асрларниг унсиз нидоси.

Юрагим ҳам тоғ бўлса, қани, Ё
бағридан сизсам булоқдек. Поклик
бўлса ҳаётим маъни, Эл корига чопсам
улоқдек.

Оёғимни зўрға судрайман,
Тушларимда учолмай қолдим. Ўз-
ўзимни қойиб ғудрайман, Қаерда мен
адашдим, тойдим.

Тоғ ёнида турибман мана, О, шаршара,
1\$уйил бошимдан. Чақалоққа айланай
яна, Севинчларим оқсин ёшимдан.

ОШУФТА ДИЛ

Шаррос куйди бу кеча ёмғир,
Эркаланди ^аддидан ошиб. Ивиб кетган
ўйноқи еллар, Деразамни чертдилар
шошиб.

Ёмғирларнинг кўксини ёриб, Қанот
қокди ҳисларим қушдай. Ўйларимда
кездим дунёни, Кўрганларим гўёки
тушдай.

Тун сеҳрига бўлдим махлиё,
Кўзларимни тарк этди уйқу.
Субҳидамда оромин топди,
Шеърларимга айланиб туйғу.

Ҳайратларга ошуфта дилим, Чин
ошикман аслида гулга. Талпинаман
энди бир умр, Эзгуликдан таралган
нурга.

КЎНГЛИМ ДАРДИ

Гулларга ҳам этмайин ошкор,
Сирларимни сақладим пинҳон.
Инонмадим еру ^ам кўкка, Кўнглим
дедим ишончли макон.

Айтавердим унта боримни, Келса
хамки минг бора оғир. Ҳадсиз
менинг қийноқларимдан У ҳам
дардга чалинди охир.

Бу бир дардки, тортмоқлик
ширин, Тўлғоғини кумсайди
кўнглим. Сўқмоқлардан тентираб
юриб, Кенгликларга туташди
йўлим.

Танам олов, ҳароратимдан
Вужудимдан қуюлмоқда тер.
Шифо берар ёлғиз кўнглимга,
Дардларимдан силкиб оқдан
шеър.

СУКУНАТГА

Сукунат, мен сени севмайман,
Сокинлик дилимга бегона.
Ишқи йўқ дилларни
суймайман, Бедарддан куяман
кўп ёна.

Умримнинг йўллари қисқами,
Ё Сирдай чўзилган-билмадим.
Бахт нима? Мол-дунё,
тилломи, Бойликнинг бағрига
сиғмадим.

Сукунат, жимлигинг бузаман,
Энди шўх дарёга айландим.
Сазцюни боғ этиб тузаман,
Эзгулик бандига боғландим.

ДАРДКАШ ДИЛ

Мен энди дардимни тўкмай
қоғозга, Унда ҳам қолмади
сабру қаноат. Гох.о юзларини
қоп-қора қилиб, Сирларимни
сочиб, айлар хиёнат.

Мен энди дардимни айтмай
бировга, Дўст деб ишонганим
ағёрдир, балким. Ғафлатда
қолдириб бўйра остидан, Сув
қуяр остимга у ҳ^ам бир кун
жим.

Шубҳалар комида ўртанмай
узок, Дардларимни тўкдим
дардманд дилига. Кўнглим ҳам
ойнадай тиникиб кетди,
Тушунган чоғимда унинг
тилига.
МЕЗОН

Бопшнгга тушса гар мусибат
гарди, Қийнаса дилигни
му^аббат дарди, Ҳушингни
йукотса рақибнинг зарби,
Малҳаминг бўлгувчи
инсоннинг марди,
Дўстингдир...

Севинч дарёсида оқсанг
қувониб, Гоҳ алам олови
ўртаса ёниб. Ёки юз ўгирса
дунё ҳам тониб, Ор қилмай
келгувчи шунда ботиниб,
Дўстингдир...

ЯНГИ АСР БЎСАҒАСИДА

Карвон садолари янграр баралла,
Янги бир водийга келмоқца якин.
Икки мингдан ортиқ. улкан нор туя,
Олисни кўзлайди, кўзлари чакин.

Юкимиз ерларда қолмайди энди,
Карвоннинг сафида ўз ўрнимиз бор.
Покликдан поёндоз тўшайлик
йўлга, Саодатли кунлар доим
бўлсин ёр.

Янги бир водийга кирмоқда карвон,
Авлодлар юкини елкага ортиб.
Кўзланган манзилга етилур бешак,
Умидлар камари боғланган тортиб.

Садоқат ипини маҳкам боғлолсанг,
Гина-кудуратнинг бағрин доғлолсанг.
Бахтидан қувониб, ғамда оғлолсанг,
Чин дўстсан ...

ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДА

Ичимда ўйнайди бир куюн, Оромим,
тинчимни учириб. Ҳаловат йўқолди
бедарак, Номини бутунлай ўчириб.

Юксалар мақсадлар тоғ каби, Тинимни
билмайди оёғим. Юрагим ёнишдан
толмайди, Тунлари уменинг маёғим.

Сочларим оқ тилар йўлимга, Кўзларим
олисни кўзлайди. Армоннинг қайрилиб
қаноти Умиднинг қошида бўзлайди.
Сен энди бардам бўл, тўхтамай,
Сукутни ўйлама, эй нафас! Бағримни
тўлдириб урганинг, Эзгулик йўлида
бўлса, бас.

ЭРК ТУ ФАЙЛ И

Кўҳна Жайхун ажратар бизни,
Юрагимда босилмас ховур. Афғон
ерин безаб ётибди, Боболарим: Навоий,
Бобур.

Бири ётар «Занжирбанд шер»дай,
Орзулари ўртаб оламини. Бири ётар
довруғи билан Ҳайратларга қўйиб
одамини.

Черик тортмай бириси бунда, Забт
айлаган Хитой-Хуросон. Бировидан
миннатдор бўлиб, Тож кийдирмиш
аҳли Ҳиндистон.

Субз^ чоғи эсганда сабо, Бўйларини
туяр димоғим. Овозларин тинглайман
гўё, Ул томонга тутсам қулоғим.

Эрк туфайли ростланди қаддим, Жўш
урмоқда танамда ғурур. Руҳан мадад
бериб ётибди, Боболарим: Навоий,
Бобур.

Афғон ери-муқаддас тупроқ,
Боболарим Сенга омонат. Улуғ **р5Ы**
маҳшар кунгача, Уларни тинч сақла
саломат.
БУЛОҚҚА АЙЛАНДИМ

Тошиб кетди соғинч кўзимдан,
Маржон-маржон ёшга айланиб.
Учиб борай десам ёнингта,
Андишага қоддим бойланиб.

Ўйим-дарё. Гирдобиди ман,
Сочларингдан тутиб турибман.
Йўлларингга нигоҳим тўшаб,
Висолингга кутиб юрибман.

Умрим ўтди васлингга тилаб,
Андишага бекор бойландим.
Мана энди дардлари қайнар,
Бир булоқда аста айландим.

ҚУТЛУҒ КЕЛГИН, БАҲОР !

Этакларин алвон гулга
тўлдириб, Булутларин
йиғлатиб гоҳ кулдириб,
Ялпизларнинг бўйларини
уфуриб, Заррин нурлар
таратганда кун на^ор, Етиб
келди соғинтирган гулбаҳор.

Замин узра ёзилди кўк
дастурхон, Ризқ эшигин оча
бопшар чин деҳқон. Юртим
бағри шодликларга бўлди кон ,
Эриб кетди диллардаги ғам,
ғубор, Сепин ёйгач
келинчакдай гулбаҳор.

Сумалакхон шоҳ таом деб
сайланди, Хизматига ёшу қари

БАҲОРИМ ЭЛЧИСИ

Баҳорим элчиси, бойчечак,
Соғиндим ҳарирдай юзингни.
Йиллардай чўзилган қиш туни,
Тушимда юз кўрдим ўзингни.

Қикирлаб кулишинг соғиндим,
Соғиндим бўсангнинг тотини.
Изларинг излашдан толмадим
Такрорлаб тилимда отингни.

Баҳорим элчиси, бойчечак,
Йўлингга интизор боғларим.
Кел, тезроқ кучоғим
тўлдиргин, Ёзилсин дилдаги
доғларим.

АРМОНИМ БЎЛМАСДИ

О, баҳор, қанийди куйчинг бўлолсам,
Тошқинли сувингдек сойга тўлолсам,
Ифорга тўлишган гулдек кулолсам,
Армоним бўлмасди...

Сенингдек борликни кўкка ўролсам,
Боғни ҳам, даштни ҳам бир хил кўролсам,
Сафларда доимо олдда туролсам,
Армоним бўлмасди...

Қалдирғсч элчингдир қаноти қаро,
Ошиғинг бисёрдир диллари яро,
Васлимиз онида янграса наво, Армоним
бўлмасди...

О, баҳор, қанийди ёринг бўлолсам... 18
ШАВКАТ РАҲМОН

Ҳар тун варақлайман китобингизни,
Чехрангиз кўзимда бўлар намоён.

шайланди, Ошиқларнинг боши бир-бир
бойланди. Тўёнани саралайди дўсту ёр,
Наврўз тўйин бошлаб берар гулбаҳор.
Қучоғингда келтирганинг гул бўлсин,
Тунингда ой, кундузингда нур бўлсин.
Умид билан экканларинг дур бўлсин,
Шамолларинг эссин доим беғубор,
Қутлуғ келгин юртимга сен эй,баҳор!

ЎРИК ГУЛЛАГАНДА

Ҳ. ОЛИМЖОН хотирасига

Ҳар баҳорда кекса шоҳ ўрик,
Деразангиз гулга ўрайди. Ҳар баҳорда
такрор ва такрор, «Куйчим қани ?»-дея
сўрайди.

Ўйнаб эсган беғубор
еллар, Йиғиб келиб
гуллар тотини,
Таратаркан ошиқ
дилларга, Аста сўрар
суйган зотини.

Тополмасдан чекишиб алам, Булутлар
қам тўкар ёшини. Дунё эса ҳамон
бевафо, Қорайтирар кунлар қошини.

Юрагимни шеърга тўлдириб, Боғ ичида
танҳо кезаман. Новдаларда, гулда,
япроқца, Борлиғим-ла Сизни сезаман.

ТОНГ

Тонг — ҳарирга ўралган ҳ.аё,
Ибонинг муқаддас ватани. Тонг —
махваш, шуурни шоширган,
Эзгулик, покликнинг чамани.

Тонг-туннинг қ^ллари етмаган,
Ақлни лол этган соҳира. Тонг —
зулмат кўйнидан соғ-омон,
Иффатин сақлаган бокира.

Тонг — сиёҳи қзфимаган байт,
Оташнинг сўнмаган ўчоғи.
Бағримга босаман энтикиб,
Очилган чоғида кучоғи.

Шеърый чашмаларга тўлар юрагим,
Руҳингиз теграмда кезади гирён.

Дилимни ўртайди соғинч армони,
Хаёлан ўпаман изларингизни.
Бўйингиз туяман бағримга босиб,
Шеърый ёдгор-ўғил, қизларингизни.

Борлиғим азобдан инграйди, бироқ,
Кўзим ёшлашига бермайман имкон.
Йўлларим ёритар машъала бўлиб,
Шавкати Раҳмондек Ҳазрати Инсон.
УСТОЗЛАРИМГА

Бу кун қувончларга тўлган
кўзларим, Бу кун севичлардан ўсган
бўйларим. Устозлар пойига
гулларни тўшаб, Бахшида айлайман
эзгу сўзларим.

Сизнинг кўзингизда кўрдим дунёни,
Англадим бирма-бир ростни, рўёни.

Маърифат боғида вояга етдим, Ҳавас
қилиб Сиздай кўнгли дарёни.

Дилларга оқибат уруғин сочиб, Билимлар
ғазнасин эшигин очиб, Зиё нурларига
чўмиб қўйдингиз, Сафингизга келдим
довонлар ошиб.

МУҲАММАД ЮСУФ

*Содда Му^аммадман, содда
Му^аммад, Туркмаи қизни
миқтаб балога қолдили..
Муҳаммад ЮСУФ*

Етти қават осмонлар зор йиғлайди,
Кенгларга ҳам дунслар тор йиғлайди,
Иболарга ўражан ор йиғлайди, Изларини
ё^ўмсаб содда шоирнинг.

Сув бўйида чайқалади ялпизлар,
Бергандим деб шоиримга кўп ҳислар.
Кокил ёзар туркман қизлар, Бек қизлар,
Изларини кўмсаб содда шоирнинг.

Ҳувуллади шоирларнинг кўчаси, Кимдир
йиғлар, балким кулар нечаси. Қуёш
излар, ой излайди кечаси, Изларини
кўмсаб содда шоирнинг.
Тополмасдан изларини кўп ҳалак,
Шарқни кезиб айланади чархпалак.
Боғларида отиб борар тез палак,
Шогирдлари Муҳаммаддек шоирнинг.

ТУН СЕҲРИ

Тун қизи борлиққа ёйди сочини,
Қўндириб бошига юлдуз чамбарак.
Оймомо зийнатлар унинг тожини, Эзгу
тилагидан гўё бир дарак.

Ўйноқи насим ҳам унинг измида,
Хушбўй райҳонларнинг таратар бўйин.
Ўзгача куч сезиб энди жисмида, Тун
куши парвозда кўрсатар ўйин.

Кўппак ҳам тегида бўлар парвона,
Асрамоқ истайди офат-балодан. Чашма
ой сувратин эркалар ёна, Кечиб ўз
бағридан сизган даводан.

Тун қизи бошимни силаб, эркалаб,
Кўзларимга ёпаркан уйк^у тўрини, Деди:
«Сиримизни айтма эрталаб , Фақат сенга
очдим калбим қ^рини ».

ГУЛЗОРИМ ГУЛИ

Оналар шаънига битмоқ учун байт,
Райҳон гулларининг сиёҳи бўлса. Оналар
шаънига битмоқ учун байт, Ҳар дилда
эзгулик гиёҳи унса, Шунда ҳам таърифга
танг қолар жаҳон Мақтовинг дунёга
сиғмас, онажон!

Юлдузлар тўкилса пойингта буткул,
Тўлин ой бошингга тож бўлиб кўнса,
Босган изларингдан унса турфа гул,
Истаган нарсашта бор олам кўнса, Шунда
ҳам ҳақкингни оқлолмас жаҳон, Хизмати
беминнат, сахий, онажон!

Бошингда айланиб парвона бўлсак,
Қаторда нор бўлиб турсак хизматда.
Полапон қушлардай бағрингда тўлсак,

Ҳотами Той бўлсак ёки ҳимматда,
Шунда ҳам ўзидан қоникмас жаҳон,
Шунчалар азизсан, азиз онажон!

Шаънингга ашъорлар битмоқ
истадим, Сўзларни шодадай тиздим
бирма-бир. Ўхшашинг йўқ экан дунё
изладим, Гўзаллик бобида ўзинг
беназир, Гулларга буркансин бу ёруғ
жаҳон, Гулзорим гулининг гули,
онажон!

УЛҒАЙИШ

Қизиқ экан фалакнинг иши, Сирлари
кўп минг битта тугун.
Қийналасан баъзида киши,
Келгандайин дунёга бугун.

Кунлар кунни қувиб елади, Қуёш
чикмай қораяди қош. Сен юришни
ўрганмай туриб, Оқ либосга ўралади
бош.

Насибангга ёзганин ерсан, Ортиқ
умид қилмоғинг бекор. Унутасан
баъзида Ҳақни, Нафс кўйида кезасан
бедор.

Қоқиласан катта йўлда ҳам, Ўтиб
кетар бошингдан қуёш. Гоҳ севинчга
тўлиб-тошасан, Гоҳ тўкасан
кўзларингдан ёш.

Кунлар кунни қувиб елади, Тундан
кейин отади тонгинг. Синовларда
синашта бўлиб, Улғаяди сен билан
онгинг.

КЎЗЛАРИМ НУРЛИ

Дарахтлар илдиздан олади бахj>а,
Ҳикматни беназир айтади халким.
Боболар ўгити оқар қонимда,
Пандлари чархлайди тобора ақлим.

Ғафлатдан уйғонган кўзларим
нурли, Мунаввар тонгларни
қаршилар ёниб. Лабларим
чашманинг юзидан ўпар, Болига
тўймоқни истайди қониб.
Табаррук изларга тўлган йўллардан,
Ғурурниг отида ташлайман қадам.
Денгиздай жумбушга келган
ҳисларим, Оҳиста тутқазар қўлимга
қалам.

Бургутдай кўкларга айлағум парвоз,
Чўқдига кўтарғум наслим қаддини.
Бошимга қўяман авайлаб-асраб, Кўз
очиб кўрганим-юртим қадрини.

ҒАНИМАТ

Унутиб бўлмайди ширин дамларни,
Қийин кунларинг ҳам ёдингдан
чикмас Бутлаб бўлмайди ҳеч бори
камларни, Бу дунё ёлғончи —
ҳаммаси чинмас.

Балким, тўлмай ўтар яримта
кўнглинг, Балким, ярқираган сенда
пешона. Балким, ташвишларга

кўмилган йўлинг, Балким, бахт этилган
сенга тўёна.

Кунлар қайтмас деса ишонма, бекор, Йил
ўтиб кунларнинг келмоғи тайин.
Ғафлатда ўтирмай бўлайлик бекдор,
Барчамиз ғанимат кун ўтган сайин.

ЎЖАРЛИК

Манглайга қадайди изларин, Ҳаётнинг
залворли зарблари. Сочларга қ^нади
охиста, Йилларнинг армонли гардлари.

Ишқидан ўт қалаб дилларга, Дунёни
севишдан толмаймиз. 24

Ҳақиқат кўзларни очса-да, Ўзимиз
билгандан қолмаймиз.

ТАСКИН

Ўйларим бошимда сочимдан ҳам кўп,
Бир оз нари кетмас маҳкам кучишиб.
Секин одимласам сабри чидашмай,
Парвоз ўргатишар бир-бир учишиб.

Ўйларимга сабрим беради тизгин,
Ҳовликма: сел аввал юришни ўрган.
Тоғлар ҳзпкмдори мағрур бургут ҳам,
Учгунча жуда кўп машақдат кўрган.

МУРОДТЕПА

*«Қапмоқ музофотида, Чилбир
чўлида Муродтепа дегаи
тепаси бор эди, устидан
қаиотли цуш учиб ўтолмас
эди... Шу тепиш кўриб
Алполиш ир им чекди...»
«АЛПОМИШ» достонидан*

О^КЎВбулут чин сирдошинг, Йиллар ғами
бошингда. Такдиридан фол очай деб,
Кимлар келган қопшнгта?

Юсуф талъат, Рустам сифат, Ҳаким
бобом келдими? Қирк, минг отнинг
дуприн бериб, Бойчибори елдими?

Такдиридан фол очиб
сен, Алпомишга бахт
бердинг.

Кўкка тутиб азиз бошин, Покликка ёр аҳд
бердинг.

Алпомишнинг қони оқар Мард йигитлар
қонидан. Муродига етар бу кун, Ким юрт
севса жонидан.

НИҚО
Б

Уни тоғсан дейишди, Тўн
бичишди юлдузлардан. Уни
ойсан дейишди, Йироқлатиб
кундузлардан.

Инонмайин шпонди,
Осмондаги ойлигига. Қуртлар
тутпди қугуриб, Тошаётган
бойлигига.

ЎЗБЕК ҚИЗЛАРИ

Олам чиройига берган андоза,
Таърифи дунёга таралган тоза,
Бирининг исми-Гул, бири Шаҳноза,
Тўймайсан мадҳига шеър-ғазал ёза.
Латофатда таъцо ўзбек қизлари,
Малоҳатда танҳо ўзбек қизлари.

Юзлари анордир, қоши қалдирғоч,
Зулфининг бўйига етмайди қулоч,
Кўзининг олдида туннинг ранги оч,
Ҳар дилга тилайди севинч ҳам
қ^увонч, Тилаклари чашма ўзбек
қизлари, Юраклари чашма ўзбек
қизлари.

Юрмагай ҳеч қачон қош-қавоқ уйиб,
Юртини севади жонидан суйиб. Бир
ният қилгандим дилимга тугиб,
Шеър битай ишқиде кетсам-да
куйиб, Бахтимиз юлдузи-ўзбек
қизлари, Тахтимиз юлдузи-ўзбек
қизлари.
ҚИШЛОҒИМГА

Қушдай учиб келдим иссиқ
бағрингга, Онажон қишлоғим,
бормисан омон. Кўзларим қамашди
шаҳар ҳ^уснига, Лек сенинг
васлингни соғиндим ёмон.

Шаҳарнинг шовқинли кенг кўчасига
Сигмади дилимдан тошган хисларим.
Соғиндим поёнсиз тупроқ йўлингда,
Юзларин чанг босиб ётган изларим.

Нафасинг кўксимга урилган маҳал,
Қушдай енгил сизди ўзини таним.
Сенинг остонангдан бошланур мен-
чун, Ўзбекистон номли буюк
Ватаним.

ҚАЙТИШ

Шамоллар силарди унинг боғани,
Ою юлдузларга опгао эди у. Узоқлаб
кетганди ердан бутунлай,
Сармастлик қ^ўйнида вақт ўтди ғув.

Изғирин паллада уйғотди биров,
Эшик таққиллатган кимкин шу
тобда. Ўзини урарди бунда беаёв,
Эсини йўқотган бир ўткир болта.

Ҳавода силкиниб қолди қ^ллари,
Нелигин билмасдан ўзи ҳам карахт.
Гурсуллаб йиқидди ернинг бағрига,
Ундан бахра олиб узоқкан дарахт.

СИЗНИ ЎЙЛАСАМ

Бир кун лойсан дейишди, Тун кийгизиб
тупроқлардан. Ўрнатдилар сўнг ҳайкал,
Ёдгорлик деб гумроҳлардан.

ЯЛПИЗЛАРГА АЙЛАНДИМ

Тушларимга кирмайсиз Илтижолар
қилсам ҳам. Шафқат нима билмайсиз,
Юрак-бағрим тилсам ҳам.

Нигоҳингиз осмонда, Ойни
кучмоқ истайсиз. Қанот ёзиб
гоҳида, Чўкдиларни излайсиз.

Кўзингизга илинмай,
Чашмаларнинг бўйида,
Ялпизларга айландим,
Висолингиз ўйида.

Кафтимга тсўнади кўкдаги
хилол, Тилимдан томади
қанду шакар, бол, Гуллар
тақ^диримдан оча бошлар
фол, Сизни ўйласам, ёр, Сизни
ўйласам.

Орзулар бошлайди дилимда
туғён, Эзгулик кўнглимда
мавжланар уммон, Энтикиб
кетаман бўлиб шодумон,
Сизни ўйласам, ёр, Сизни
ўйласам.

Яшагим келади армонни
билмай, Ҳижроннинг бағрига
ҳеч қачон сиғмай, Юрагим
уради Сизни деб тинмай,
Сизни ўйласам, ёр, Сизни
ўйласам.

АЗАЛИЙ ДАРД

Ўтирган экансиз мисоли
Зухј)о, «Ўзга»нинг ёнида
кўзингиз узмай. Тилларим
музлади кўрган онимда,
Ортимга жим қайтдим
су^батни бузмай.

Тиконга айланди парли
ёстигим, Ўйларим илондай
чақди боримни. Туннинг
елларида ҳушимни йиғиб,
Гулларга ёрилдим оҳу
зоримни.

Кўзимга кўринмай дилим
ўртаган, Бу не дард эканким,
озори ғалат. Тушимда оқ
кийган бир малак деди:
«Дардинг азалийдир номи —
Му^аббат».
СИЗ МЕНИ БИЛМАЙСИЗ...

Сиз мени билмайсиз, гузал
қиз, Ишқ ичра қанчалар
куйганим. Билмайсиз
ойдан ҳам, кундан ҳам,
Ортиқроқ мен Сизни
суйганим.

Келмасангиз,
Энди эй, қиз,
Кетгум Сизсиз,
Изсиз.

Бепарво ўтасиз ёнимдан,
Аламлар ўртайди жонимни.
Уммонга чоғлайди
дардларим, Томирга сиғмаган
қонимни.

Сиз мени билмайсиз, гўзал
қиз, Тоғлардек юксаксиз
қошимда Билмайсиз ер-қўкка
ишонмай, Қўтариб юрганим
бошимда.

СИЗНИ ДЕДИМ

Гўзалларни курдим қошлари қилич,
Ёноқларин ўпар қора холлар тинч.
Дилимда истаклар урса-да, туғён,
Ҳисларимга ёрим берилмасдан ^еч, Фақат
Сизни ўйладим, Сизни ўйладим.

Сочлардек хаёлим бўлса паришон,
Орзулар бағримда мавжланса уммон,
Кўнглим кўчасига қадам қўймадим,
Санамлар кўзлари аклим олган он, Фақат
Сизни ўйладим, Сизни ўйладим.

Ўйларим, покликка чорлангиз фақат,
Содиклик камарин боғлайман абад, Ҳар
гўзал қошида эгмайин бошим,
Нурларга чўмсин деб бизнинг муҳаббат,
Ёрим, Сизни дедим,фақат Сиз дедим.

НАЖОТ ЙЎЛИ

Сиз мендан боряпсиз олислаб, Орзуим
кўкида ой бўлиб. Соғиниб пугълангиз
1гучаман, Ўзанга сиғмаган сой бўлиб.

Тоғларга айланиб боряпсиз, Атрофда
кезаяпман булутдай. Сиз бунда парво х_ам
қилмайсиз, Борлигим гўёки унутдай.

Юксалиб боряпсиз тобора, Узатсам
етмайди қ_ўлларим. Дардимга изладим
минг чора, Сиз томон бошлади йўлларим.

ҚИСМАТ ТОШИ

Ёлғон экан чиндан х_ам дунё, Ёлғонлари
кўнглимга ботди. Сеникиман деганди
куёш, Бу кун ўзга осмонда отди.

Бўй таратган гуллар ҳам ёлғон,
Айлантирар содда бошларни. Кўзинг
тингач фироқда ташлаб, Окизади уммон
ёшларни.

Қисмат тоши елкамда оғир, Қаддим
унга кўниб боради. Ишқ ўтида
қоврилган таним, Тупроқларга
дўниб боради.

СИЗСИЗ	
Ойлар нурсиз, Боғлар гулсиз, Қушлар унсиз, Сизсиз.	Кўзим қўлда, Дилим чўлда, Ўзим йўлда, Сизсиз.

Гуллар қулмас, Гунлар
қунмас, Кўз ёш тинмас, Сизсиз.

АҲД

Бўлди бас, қаламим, тутма қўлимни,
Кўнглингга келганини ёздираверма.
Шоирлик даъвосин қилмадим асти,
Дилимга дард бериб оздираверма.

Шоирлик юмуши чўлнинг юзида,
Гулистон яратмоқ, ундан х_ам оғир.
Елкасин эзади залворли тоғлар,
Ютгани захқуму ичгани чоғир.

Қаламим, бе^уда тутма
1гўлимни, Гар ёзсам
ёзаман киприкларимда.
Жўш урган конларим
сиё^им бўлар,
Қирғоқлар туташар
кўприкларимда.
НЕДУР КАМ

Нотавондай сездим ўзимни
Сизсиз, Ой ҳам кўзларимга
ғариб кўринди. Дардимни
коғозга тўкмоқчи бўлдим,
Қаламим дош бермай тенгдан
бўлинди.

Зиркитиб танамни келди
хўрсиниқ, Қадамим чалишди
тўғри йўлда ҳам. Дунёнинг
бир камии жуда билинди,
Тўқисдай туюлар, лекин
недур кам.

Дехдоннинг қуллари олмайди тиним,
Уйган хирмонлари тоғ бўлар яна.

Меваси асалга чўмган боғлардан,
Саболар қўйнида таралар хуш бўй.
Фасллар меҳмонга келишар бир-бир,
Кузнинг ҳовлисида бошланганда туй.

САДОҚАТ БОҒИ

Қадрдон боғларни айладим тавоф,
Оёғим остида ғичирлайди қор. Уйқуда
бўлса ҳам сонсиз куртаклар, Бир сўзни
пшвишлаб айтишар такрор: Баҳор,
баҳор, баҳор.

Қарсиллаб ўйнатар аёз қамчисин,
Яланғоч боғлардан кулади беор.
Жойидан бир қадам ортга чекинмай,
Дарахтлар ёр исмин айтишар такрор:
Баҳор, баҳор, баҳор.

Танаси қайрилган кекса шох ўрик, Бир
ёнга қулаган-оғир ярадор. Ўлимга
юзлашиб борса ҳам бу дам, Кўнглидан
ўтади ёр ўйи такрор: Баҳор, баҳор,
баҳор.

Садоқат богини кездим кун бўйи,
Умримнинг дамлари ўтмади бекор.
Дунёни тўлдириб хайкиргим келди,
Мухаббат ўлмаган, севги ҳали бор:
Баҳор, баҳор, баҳор.

Оёғим остида гард қўнмаган қор,
Қувониб боряпман, кўнглимда баҳор

Қоп-қора тўнини еча бошлар тун, Тонг
кулди яланғоч дилимни кўриб. Овутди
биргина беғубор еллар, Ёримнинг
бўйларин қўқсимга уриб.

ЎЙЛАРИДА ЭЗГУЛИК

Тўлин ойни хуш кўрар ёрим, Ойдан гўзал
аслида ўзи. Эриб кетар вужудим, борим,
Лабларидан учганда сўзи.

Кўзларида дунё яширин, Ўйларида
эзгулик фақат. Дилга тугдик қалбимиз
сирин, Бахт келтирди бизга муҳаббат.

ФАСЛЛАР МЕҲМОНГА КЕЛИШАР

Куз келди соғинчли кўзларин ёшлаб,
Пойига тўшалди тилло поёндоз. Сарик
либосини кийди дарахтлар, Оламни
тўлдириб қушлар чалди соз.

Бошига танғиди оппоқ рўмолин, Поёни
кўринмас пахтазор дала.

МУНДАРИЖА

М. Отамирзаева «Беғубортуйғулар...»	3
Она-Ватаним.....	4
Шеър—Фарзанд	4
Боғларни кезаман	5
Кураш	5
Хавас	6
Шоирлар бўлмаса	6
Гўзаллигин яширсанг	7
Манзилим порл	8
Барокат ёғилса.....	8
Элимнинг кори дсб	9
Илтижо	9
Чақалоққа айланай	10
Ошуфта дил.....	11
Кўнглим дарди.....	11
Сукунатга	12
Янги аср бўсағасица	13
Дардкашдил	13
Мезон	14
Эзгулик йўлида.....	14
Эрктуфайли.....	15
Булочка айландим	16
Қутлуғ келгил, баҳор!	16
Ўрик гуллаганда	17
Баҳорим элчиси	18
Армоним бўлмасди	18
Тонг	19
Шавкат Раҳмон	19
Устозларимга	20
Мухаммад Юсуф	20
Тунсетузи	21
Гулзорим Гули.....	22
Улғайиш.....	22
Кўзларим нурли.....	23
Ғанимат.....	24
Ўжарлик.....	24
Таскин	25

Муродтспа	25
Ўзбек қизлари	26
Қшплоғимга.....	27
Қайтиш	27
Никоб	28
Ялпизларга айландим.....	28
Сизниўйласам.....	29
Азалий дард	29
Сиз мени билмайсиз.....	30
Сизни дедим	30
Нажотйули	31
Қисматтоши	31

Сизсиз.....	32
Ахд	32
Недур кам	33
Ў йл аркда эзгу ли к.....	33
Фасллар мсҳмонга кслишар	33
Садоқат боғи	34

Адабий - бадиий нашр

ШАРОБИДДИН ҲАСАНОВ

ОҚ ЛИБОСГА ЎРАЛГАН ТИЛАК *Шегрдар*
 Муҳаррир Л. Каримова Рассом Ю. Холматова
 Бадиий муҳаррир Б. Бозоров Тех.муҳаррир В.
 Демченко Мусаҳҳиҳ Ж. Сарнбоева
 Компьютерда саҳифаловчи Л.Собирова ИБ
 №3651

Босишга рухсат этилди 15.03.2002. Бичими
 84x108 1/32. Босма тобоги 1,125. Адади 1000
 нусха. Буюртма № 58 Баҳоси келишилган
 нархда.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Янтя
 аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази. 700113,
 Тошкент, Чилонзор - 8, Қатортол кўчаси, 60